

## МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИ ҲАМДА МОҲИЯТИ

**Кушбаков Дилшод Мусурманкулович**

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,  
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11368744>

**Аннотация.** Ушбу мақолада маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш мақсади ҳамда моҳияти ёритилган. Шу билан бирга, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани вазифаси, ишни режалаштиришда тузиладиган режа турлари ва улар асосида профилактика инспекторларининг фаолиятининг тартибга солиниши батафсил ёритилган.

**Калит сўзлар:** маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, режалаштириш, таҳлил қилиш, мақсад, профилактика инспектори, режа, турлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сон Фармонида ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши қўйидаги тартибда белгиланди:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий Гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика катта инспекторига юкланади;

- профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш “Smart маҳалла” ахборот дастури асосида ташкил этилади;

- жойлардаги вилоят ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот рерурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик огоҳлатирув мурожаат” қилиб бориш амалиёти жорий этилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида низом” билан масканларнинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилган:

маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш;


фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этиш;

аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

маҳалланинг (қишлоқнинг) кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш.

Таъкидлаш лозимки, бекор бўлган ИИВнинг буйруқларида таянч пунктлари фаолияти натижалари юзасидан профилактика инспекторлари томонидан ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик ҳисоботлар тайёрлаш ва тақдим этилиши тартиби белгилаб берилган эди. Бу тартиб ўз навбатида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Дарҳақиқат, ички ишлар органларининг энг қуйи тизими ҳисобланган Масканлар фаолияти мунтазам фаолият юритиши учун режа ўта муҳим аҳамият касб этади.

Режалаштириш авваламбор амалга ошириладиган ишни олдиндан ўйлашни ва уни тизимли йўлга қўйишни назарда тутати, шунингдек таҳлилий фикрлашни талаб қилади ҳамда профилактика хизмати тизими, яъни унинг субъекти ва объектининг биргаликда ривожланиш истиқболлари ва келажакдаги ҳолатини белгилаб беради. Нотўғри ва ишончсиз ахборот сабабли янглиш қарор қабул қилиш хавфини камайтириш учун асосланган ва тизимлаштирилган режали қарорлар



ишлаб чиқилади. Режалаштириш тизимнинг умумий мақсадларини бирлаштиришга хизмат қилади.

Кенг маънодаги режалаштириш бу – бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш фаолияти бўлиб, у қуйидагиларни қамраб олади:

- асосланган мақсадлар йиғиндиси;
- асосий йўналишни белгилаш;
- бажариладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ушбу мақсадларга етишишнинг усуллари;
- бажариладиган тадбирлар муддатлари ва ижрочилари;
- истиқболли қарорлар қабул қилиш учун асос яратиш.

Профилактика катта инспектори Маскан фаолиятини таъкил этишда умумий раҳбар сифатида белгиланган бўлса режалаштириш ўз навбатида унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъкил этишдаги бошқарув қарори билан тенглаштирилиши мумкин.


Таъқидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини тўғри режалаштиришнинг муҳим омили бу унинг аввалги фаолиятини таҳлил қилишдир. Чунончи, Масканда амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинмас экан, масканнинг кейинги фаолиятини тўғри режалаштириб бўлмайди. Демак, таҳлилдан келиб чиқиб масканнинг келгусидаги фаолияти режалаштирилиди. Бу эса масканнинг фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари тизимида ишлаб чиқиладиган барча режаларни бошқаришнинг барча даражаларида уларнинг мақсади ва муддати бўйича қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Стратегик режалар;
2. Ташкилий-тактик режалар;
3. Ташкилий-оператив;

*Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ва профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини таъкил этиш бўйича режаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:*

- ойлик;
- чораклик;
- олти ойлик
- йиллик.



*Юқоридагиларга асосланган ҳолда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятининг ижро муддатлари бўйича қуйидаги турлари мавжуд:*

Ойлик;  
Чораклик;  
ярим йиллик;  
тўққиз ойлик;  
йиллик.

***Мазмунига кўра:***

Ташкилий;  
Профилактик;  
ҳамкорлик.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятининг режаларида муайян муддатда амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

*Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолияти бўйича тузиладиган режаларга қуйидаги чора-тадбирлар белгиланиши мумкин:*

- 1) маскан фаолиятини ташкил этиш юзасидан;
- 2) профилактика (катта) инспекторлари ва маскан таркибига киритилган субъектларнинг маскан фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларини белгилаш бўйича;
- 3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан;
- 4) профилактика (катта) инспекторларининг ҳудудда хизмат қилиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлари юзасидан.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун./Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.
6. Кушбаков Д. Жиноят субъекти институтининг тартибга солинишига доир хорижий тажриба //Journal of Fundamental Studies. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 41-52.
7. Эгамбердиев В. Ички ишлар органларининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларининг профилактикаси фаолиятини ташкил этишда давлат органлари билан ҳамкорлиги //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 5-13.
8. Кушбаков Д., Эгамбердиев В. Фирибгарлик жиноятини барвақт профилактикасини такомиллаштириш масалалари //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 118-122.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-5938-сонли Фармони.

